



SPECIFIC FEATURES OF CERTAIN INVESTIGATIVE ACTIONS CARRIED OUT DURING THE PRE-INVESTIGATION AND PRELIMINARY INVESTIGATION STAGES OF CRIMES IN THE ENERGY SECTOR

Farrukh Shamsiddinovich Oripov

*Senior Prosecutor of the Group for Ensuring Legality in Combating Cybercrimes of the Surkhandarya Regional Prosecutor's Office
Surkhandarya, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Pre-investigation, crime scene inspection, search and seizure, interrogation.

Received: 19.10.25

Accepted: 20.10.25

Published: 21.10.25

Abstract: This article analyzes the specific features of pre-investigation actions in cases of crimes in the energy sector the circumstances to be established, the sequence of pre-investigation measures, the legal evaluation of documents collected during these actions, as well as the peculiarities of certain investigative actions conducted at the stage of preliminary investigation. Moreover, it examines the sequence and procedure of urgent investigative actions, along with the opinions and views of scholars on these issues.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ҲАМДА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ БОСҚИЧИДАГИ АЙРИМ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Фаррух Шамсиддинович Орипов

*Сурхондарё вилоят прокуратураси Кибержиноятларга қарши курашишда қонунийликни таъминлаш
гуруҳи катта прокурори
Сурхондарё, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Терговга қадар текширув, ходиса жойини кўздан кечириш, тинтув ва олиб қўйиш, сўроқ қилиш.

Аннотатсия: Ушбу мақолада энергетика соҳасидаги жиноятлар бўйича ўтказилиши лозим бўлган терговга қадар текширув ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, терговга қадар текширув ҳаракатлари кетма-кетлиги, текширув ҳаракатлари натижасида тўпланган

хужжатларга ҳуқуқий баҳо бериш, дастлабки тергов босқичида ўтказиладиган айрим тергов ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари кетма-кетлиги ва уни ўтказиш тартиби ҳамда олимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

ОСОБЕННОСТИ ОТДЕЛЬНЫХ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ, ПРОВОДИМЫХ НА СТАДИИ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ И ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ СФЕРЕ

Фаррух Шамсиддинович Орипов

*Старший прокурор группы по обеспечению законности в борьбе с киберпреступлениями прокуратуры Сурхандарьинской области
Сурхандарья, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Доследственная проверка, осмотр места происшествия, обыск и выемка, допрос.

Аннотация: В данной статье анализируются особенности проведения действий на стадии доследственной проверки по преступлениям в энергетической сфере обстоятельства, подлежащие установлению, последовательность действий доследственной проверки, правовая оценка документов, собранных в ходе этих мероприятий, а также особенности отдельных следственных действий, проводимых на стадии предварительного расследования. Кроме того, рассматриваются очередность и порядок проведения неотложных следственных действий, а также мнения и суждения учёных по данным вопросам.

Кириш. Мазкур турдаги жиноятлар бўйича бирламчи далиллар одатда терговга қадар текширув даврида тўпланиб, ушбу далиллар жиноят иши қўзғатилиши учун асос бўлиб хизмат қилса, дастлабки тергов даврида эса улар жиноят процессуал қонунчилик талаблари асосида текширилиб, ҳуқуқий баҳо берилади.

Терговга қадар текширув ўтказиш деганда жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни бажариш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда тегишли қарор қабул қилиш жараёни тушунилади [1. Б.8].

Бу турдаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ариза, хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- аризалар ва хабарларни текшириш, ҳал этиш ва унинг муддатларига риоя этиш;
- текширув натижалари ҳақида хабар бериш; – ушланган шахс ҳуқуқлари (қонунийлик)ни тўлиқ таъминлаш.

Терговга қадар текширув ўтказишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодексининг 3202-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда: “Терговга қадар текширув – жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 391-моддасига кўра, энергия ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилиб, айнан улар томонидан электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилиши қайд этилган.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, Жиноят-процессуал кодекси қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш ваколати юклатилади [2. Б.165].

Юқорида қайд этилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатини фож этиш мақсадида терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб боришлик учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 3201-моддасига кўра, терговга қадар текширув судга қадар юритишнинг янги босқичи бўлиб, ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади.

Энергетика соҳасидаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси талаблари асосида амалга оширилади.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ариза ёки хабарни белгиланган тартибда тегишли китоб ёки журналга қайд қилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Миллий гвардияси томонидан 2020 йил 02 ноябрда имзоланган “Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (E-material) қўшма қарорига асосан тасдиқланган Низомнинг 33-бандига кўра, юқоридаги ариза ёки хабарни “E-material” тизимида рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш натижаларини қайд этиш лавозим йўриқномаси, вазифалар тақсимооти ёки бошқа идоравий ҳужжатларда ўз зиммасига юклатилган бўлса, ўзи томонидан қайд этилиши лозим.

Агар ушбу вазифа девонхона ишини юритувчи (мудир, нозир, иш юритувчи ва шу каби) ходим ёки ҳисоб-қайд қилиш вазифаси юклатилган бошқа ходимга юклатилган бўлса, юқоридаги ариза ёки хабарни у орқали

“E-material” тизимида рўйхатга олиншини назорат қилиши лозим. Агар ариза ёки хабар белгиланган тартибда шакл-2 журнаliga қайд қилинган бўлса, у “E-material” тизимида рўйхатга олинмайди. Бироқ, юқоридаги Низомнинг 44-бандига кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган тузилмасида “Мурожаатларни рўйхатга олиш китоби”да қайд этилган мурожаатни ёки хат-хабар ёхуд бошқа шаклдаги корреспонденция тарзида рўйхатга олинган ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида ёки натижаси бўйича жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, шунингдек мурожаат (хат-хабар ёхуд бошқа шаклдаги корреспонденция) ни ҳал этиш якунига кўра жиноят иши қўзғатилган ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолларда, ушбу мурожаат (хат-хабар ёхуд бошқа шаклдаги корреспонденция) қарор қабул қилинган кундан кечиктирилмасдан “Жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш (Шакл-1) китоби”да ҳамда “E-material” тизимида рўйхатга олинishi лозим [3. Б. 33-34].

Энергетика соҳасидаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ҳаракатларининг бошланғич нуқтаси бу ҳолат юзасидан ишга алоқадор шахслардан тушунтириш хати олиш билан бошланади. Тушунтириш хати олиш орқали бу соҳада содир этилган жиноятлар хусусида бирламчи маълумотлар оlinиб, ушбу маълумотлар асосида терговга қадар текширув ҳаракатлари давом эттирилади. Гарчанд биз бу ҳолатда тушунтириш хати олиш жараёнида тушунтириш бераётган шахсга ёлғон кўрсатув берганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддасига асосан жиноий жавобгарлик мавжудлигини маълум қилиб, уни расман огоҳлантирсакда, олинган тушунтириш хати билан унга нисбатан ушбу модда билан жиноий жавобгарлик қўллаш имкони мавжуд эмас. Сабаби ЖКнинг 238-

моддаси диспозициясида суриштирув ва дастлабки терговда ёлгон кўрсатув бериш ҳолатларига тўхталган бўлиб, терговга қадар текширув ҳаракатлари хусусида фикр юритилмаган. Бу эса жиноят иши қўзғатилишига асос бўлган тушунтириш хати бериб, кейинчалик тушунтириш хатидаги кўрсатувларидан воз кечган шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик қўўлашни истисно этмоқда. Шунга кўра, ушбу ҳолат юзасидан қонунчиликка тегишли ўргартишлар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Энегетика соҳасидаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида кейинги муҳим текшириш ҳаракатларидан бири бу аниқланган ҳолат юзасидан мутасадди шахс (ЭТК ходимлари ва бошқа)лар фаолияти юзасидан хизмат текшируви тайинлашдир. Хизмат текшируви тайинлашда шунини инобатга олиш лозимки, хизмат текширувини тўла, ҳар томонлама ва холисона ўтказилишини таъминлаш мақсадида, текширувни Республика миқёсидаги мутахассислар ихтиёрига топшириш мақсадга мувофиқ.

Амалиётдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, вилоят миқёсида тайинланган хизмат текшируви маълум бир маънода умумий доирада ўказилиб, текшириш якуни бўйича тузилган хулоса, устидан хизмат текшируви тайинланган ходимни асраш ва уни камчиликларини хизмат интизоми билан боғлаб, интизомий жазо қўллаш билан чекланиш ҳолатлари қўллаб учрайди. Шу сабабли, ҳолат юзасидан хизмат текширувини Республика миқёсида тайинлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Терговга қадар текширув ҳаракатлари давомидаги кейинги ҳолат бу ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида олинган ашёлар (майнинг қурилмалари, электр насослар, электр токини узаутувчи қурилма ва бошқалар)ни баҳолаш масаласи бўлиб, мазкур жараён бевосита моддий маблағга бориб тақалади. Шунга кўра, амалдаги қонунчиликка қўзғатилган жиноят иши доирасида терговчи (суриштирувчи)нинг қарори ёки суднинг ажрими асосида жиноят иши юзасидан олинган ашёлар, баҳолаш ташкилотлари томонидан бепул баҳоланиши ёки баҳолаш харажатларини тергов ҳаракатлари якуни бўйича айбдор шахслардан ундириш бўйича судга даъво ариза киритиш ёхуд тергов органидаги мавжуд махсус депозит ҳисобрақамларидан тўлаш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Терговга қадар текширув ҳаракатлари якунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 330-моддасига кўра, жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотлар бевосита аниқланган ҳар бир ҳолда жиноят ишини қўзғатиш ҳақида, ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида ва ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарорлардан бири қабул қилинади [4. Б.164].

Терговга қадар текширув ҳаракалари давомида, шахс томонидан содир қилинган қилмишнинг жиноят ёки жиноят эмаслиги жиноятнинг объекти, яъни шахс томонидан умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик энергияси, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш йўли билан содир этилишини тартибга солиш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади [5. Б.166].

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш фактлари бўйича ишни судга қадар юритишнинг бирламчи босқичи – терговга қадар текширув бўлиб, унда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи жиноят иши қўзғатиш учун асос ва сабаб мавжудлигига доир масалани ҳал қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суриштирувчи ёки терговчи томонидан ушбу турдаги жиноятларга оид ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилганида, қуйидаги ҳолатлар аниқланиши зарур:

- жиноят ҳодисасининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- агарда жиноят ҳолати мавжуд бўлса, айнан қандай турдаги жиноят содир этилганлиги;
- жиноятнинг қачон, қаерда, қандай усул билан содир этилганлиги;
- кимга, қандай шаклдаги ва қанча миқдордаги зарар етказилганлиги;
- жиноят содир этилиши усули, уни содир этишда қандай воситалар қўлланилганлиги;
- жиноятнинг ким томонидан содир этилганлиги, жиноятнинг мақсади ва мотив (сабаб)лари ва ҳоказо [6. Б.34-35].

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 322-моддасида жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари келтирилган бўлиб, унга кўра:

- шахсларнинг аризалари;
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши;
- айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича олиб бориладиган терговга қадар текширув ҳаракатлари якуни бўйича жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлардан бири қабул қилинади.

Ушбу турдаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида аниқланиши лозим бўлган энг муҳим масала бу электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш натижасида келтирилган зарарни миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Зеро, бу содир этилган қилмишни тўғри малакалашга таъсир қилади. Чунки муайян шахсни ЖКнинг 1852-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асоси - шахснинг биринчи марта бундай ҳуқуқбузарликни содир этиши ёки етказилган зарар базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан ошмаслиги ҳисобланади. Шахс томонидан муқаддам электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг бир йил давомида худди шу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ёки етказилган зарар миқдорининг анча миқдор ёки ундан ортиқ бўлиши шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Шахсни ЖКнинг 169-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳам ўзгани мулки талон-тарож қилинган бўлиши лозим. Талон-тарож қилинган мулкни эса баҳоси аниқланиши шарт саналади. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги “Электр энергетикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-225-сон қонунига асосан электр энергияси бир вақтнинг ўзида ҳосил қилиниши ва истеъмол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида турдаги товар саналади. Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқининг объектлари ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра, шахсни ЖКнинг 169-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш учун аввало етказилган зарар миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан ошиши ҳамда ушбу жиноятни тижорат мақсадларида содир этилгани исботланиши лозим.

Энергетика соҳасидаги жиноятлар бўйича айбдор шахслар доирасини аниқлаш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида бир қатор тергов ҳаракатлари ўтказилади. Қуйидаги бу турдаги жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган айрим тергов ҳаракатлари хусусида тўхталамиз.

Энергия ресурслари талон-торожи бўйича қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан жиноят содир этилганини тасдиқловчи далиллар тўплаш ва айбдор шахслар доирасини аниқлаш юзасидан ўтказиладиган энг асосий тергов ҳаракатларидан бири бу ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатидир. Сабаби мазкур тергов ҳаракатини

ўтказиш орқали ишнинг ҳақиқий ҳолати, жиноятни содир этилиши усули ва механизми ҳамда ишга алоқадор далилларни ўз вақтида расмийлаштириб олиш орқали жиноят иши юзасидан тўла, холисона ва ҳар томонлама тергов ҳаракатлари олиб бориш мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш бу ҳодиса жойининг ҳолатини, жиноятнинг ва жиноятчининг изларини ҳамда бошқа фактик маълумотларни аниқлаш, мустаҳкамлаш ва ўрганишга қаратилган фавқулодда тергов ҳаракатидир.

Содир этилган қилмишнинг малакавий белгилари ЖКнинг

1852-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибини ёки ЖКнинг

169-моддаси иккинчи қисмининг “д” ва “е” бандларида ҳамда учинчи қисмининг “г” бандида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибини беришидан қатъий назар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бир хил тарзда кўздан кечирилади. Чунки ҳар икки турдаги жиноятлар бўйича ҳам бир хил излар қолади ва бир хил усулларда содир этилади.

Ушбу турдаги жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қуйидаги далиллар аниқланиши ва олиниши мумкин:

- электр ёки газ тармоғига ноқонуний уланиш нуқталари;
- электр ёки газ ҳисоблагичларининг бузилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки уларнинг ишламаётган ҳолати;
- қувурлар, ўлчов қурилмалари, клапанлар ва шунга ўхшаш қурилмалардаги бузилишлар;
- электр, газ, иссиқлик ёки сув тармоқларига уланиш бўйича шартномалар, лойиҳа ҳужжатлари;
- тармоқларга ноқонуний уланиш бўйича кайдлар ёки белгиланган тарифларни айланиб ўтишга оид маълумотлар;
- ишлатилган энергия турлари ва миқдорлари бўйича ҳисоботлар;
- уланиш учун ишлатилган инструментлар (кесгичлар, бурғулаш ускуналари, ўлчаш ускуналари);
- ишламаётган ёки бузилган ҳисоблагичлар, клапанлар ёки шунга ўхшаш ускуналар;
- қонунга мувофиқ ёки ноқонуний ўрнатилган қувурларнинг ҳолати;
- сув ёки газнинг ноқонуний чиқиб кетиши, ортиқча сарф қилинганлик излари;
- ҳодиса жойидаги кузатув камералари хотирасидаги маълумотлар [7. Б. 62-63].

Бундан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида, электр энергиясига ноқонуний уланган сув насоси, электр пайвандлаш ускунаси ёки бошқа қурилмалар, ташқи таъсир кўрсатилган электрҳисоблагичлар ва бошқа ашёлар ҳам олиб қўйилиши мумкин.

Кўздан кечириш якуни бўйича процессуал тартибда баённома расмийлаштирилади ва олиб қўйилган барча нарса ва буюмлар баённомада акс эттирилади.

Мазкур турдаги жиноят ишлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатида соҳага оид мутахассиснинг шахсан иштирок этиши, ҳодиса жойидан олинган далилларнинг ишончлилиги ва мақбуллигига хизмат қилади.

Энергетика соҳасидаги жиноят ишлари бўйича ишга алоқадор далилларни тўлашга хизмат қилувчи ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларидан бири бу тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракати бўлиб, мазкур тергов ҳаракатини ўз вақтида ўтказиш орқали ишга алоқадор далилларни йўқ қилиниши олди олинади ва тергов ҳаракатларида ҳақиқатни аниқлаш осонлашади.

Тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

157-165-моддаларида кўрсатиб ўтилган.

Тергов амалиётидан келиб чиқадиган бўлсак, тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракати гумонланувчи ёки айбланувчининг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик биноларида ўтказилади.

Бизнинг фикримизча, тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатини энергетика соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи давлат органида ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Сабаби, тергов амалиётида кузатишимиз мумкин, энергетика соҳасидаги жиноятларнинг аксарияти ушбу соҳада давлат назоратини амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг бевосита хабардорлиги, ёрдами ёки ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармагани билан ҳам содир этилмоқда.

Мисол учун, “Қизирик туман ЭТК бошлиғининг энергия сотиш бўйича ўринбосари Х. ўзига бириктирилган вазифаларни лозим даражада бажармагани оқибатида тумандаги “С.Х” фермер хўжалиги раҳбари

А. фермер хўжалиги балансида бўлган сув насосини ўзбошимчалик билан тижорат мақсадида электр тармоғига улаб фойдаланиб келгани оқибатида Қизирик туман ЭТКга 1 млрд 157 млн зарар етказилгани сабабли, Қизирик туман ЭТК бошлиғининг энергия сотиш бўйича ўринбосари Х. ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКниншг 169-моддаси

4-қисми “а” банди ва бошқа моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари якуни бўйича жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилган. ЖИБ Бандихон туман судининг 09.07.2024 йилдаги ҳукми билан Х. ЖКнинг 28,169-моддаси 4-қисми “а” банди ва 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, 5 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган” [8].

Энергетика соҳасидаги жиноят ишлари бўйича айбдор шахсларни аниқлаш ва жазо муқаррарлигини таъминлашга аратилган кейинги муҳим тергов ҳаракатларидан бири бу, сўроқ қилиш тергов ҳаракатидир.

Сўроқ терговчи билан жиноий воқеа ҳақида маълумот берувчи шахс ўртасидаги ўзаро мулоқотдир. Қонун талабига кўра терговчи сўроқ қилинувчидан кўрсатув олиш орқали маълумот ва бу далил манбаининг бир кўриниши ҳисобланади.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати юзасидан илмий изланишлар олиб борган олимлардан бири Н.И.Порубов сўроқ қилиш деганда,

“Тергов органи ёки суд томонидан процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ сўроқ қилинаётган шахсдан ўзига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан ишда далил сифатида фойдаланиш учун кўрсатма олишдан иборат бўлган тергов ва суд ҳаракати тушунилади” [9. Б.368] деб фикр билдирган бўлса, О.Я.Баевнинг фикрича, “Сўроқ қилиш тергов қилинаётган жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим бўлган фактлар ва ҳолатлар тўғрисида далилларни шахсдан олиш ва белгиланган процессуал шаклда қайд этишдан иборат бўлган ҳаракат тушунилади” [10. Б.456].

Бизнинг фикримизча, сўроқ қилиш деганда суриштирувчи, терговчи, суд томонидан амалдаги процессуал қонунчилик талабига кўра, ишга жалб қилинган шахслардан уларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирган ҳолда жиноятга оид маълумотларни олиш ва натижаларини расмийлаштиришга қаратилган процессуал ҳаракат тушунилади.

Юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни қўшимча қилиш мумкинки, суриштирувчи ёки терговчи томонидан сўроқ тергов ҳаракатига пухта тайёргарлик кўрмаслик, сўроқ қилинаётган шахсдаги жиноятга алоқадор муҳим маълумотларни тўлиқ олмаслик, кўрсатувни қабул қилишда айрим хатоликларга йўл қўйилишига олиб келади. Шу сабабли терговчи сўроқ тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин пухта тайёргарлик кўриши, жиноятни фош этиш ва айбдор шахслар доирасини аниқлаш учун сўроқ қилинувчига бериладиган саволлар

кетма-кетлигини тузиб, сўроқ тергов ҳаракатига пухта тайёргарлик кўриши лозим деб ҳисоблаймиз.

Криминалистик тактика нуктаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак сўроқ одатда терговчи хонаси ёки махсус ажратилган хонада бўлиши ва бунда сўроқ қилинувчи ўзини эркин ҳис қилиши ва хонада киши эътибортини чалғитадиган нарса ва жиҳозлар бўлмаслиги лозим.

Сўроққа қўйидагича тайёргарлик кўриш лозим:

-жиноят ишини ўқиб ўрганиш;

-сўроқ вақтида бериладиган саволларни белгилаб қўйиш;

-сўроқ вақтида керак бўлиб қоладиган материаларни, ашёвий далил бўлган хужжатларни тайёрлаш;

-сўроқ қилишни кимдан бошлашни белгилаб олиш;

-сўроқ вақти ва жойини белгилаб олиш.

Гумон қилинувчини дастлабки сўроқ қилиш иш учун далилар тўплаш ва уларни текшириш учун муҳим бўлган тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишдан аввал унга нисбатан қандай далиллар мавжудлиги, улар сўроқ жараёнида ёлғон кўрсатувлар берар бўлса, уни фош этиш учун қўлланиладиган далиллар, хужжатлар пухта текширилган бўлиши лозим. Шунингдек сўроқ жараёни ЖПКнинг 96-113-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга ошириши лозим

Сўроқ қилишнинг умумий процессуал тартиби уч босқичдан, яъни:

-сўроқ қилинувчини шахсини аниқлаш;

-кўрсатувларни эшитиш;

-савол-жавоб ўтказишдан иборат.

Сўроқда кўпроқ ижобий натижага эришиш учун сўроқ қилинаётган шахснинг шахсни ўрганиш лозим.

Сўроқ вақтида ишлатиладиган далиллар текширилган, аниқланган ва ишончли бўлиши лозим. Терговчи ўз ихтиёрида мавжуд бўлган далилларни ҳаммасини айбланувчига кўрсатиши ёки билдириш зарур эмас, ёлғон сўзлаётганлигини қанчалик ҳақиқатдан узоқлигини исботловчи далилларни ўз ўрнида келтириб, тўғри кўрсатув беришга мажбур қилиш лозим.

Тергов амалиётида сўроқ қилинувчилар ёлғондан айбини бўйнига олиб, бошқа хавфлироқ жиноятини ёки жиноий шеригини яшириш ва бошқа мақсадларини кўзда тутди. Шунинг учун сўроқ вақтида олинган бу маълумотларни тўғрилигини иш юзасидан тўпланган далиллар билан солиштириб, уни ҳақиқатга тўғрилигини текшириш лозим. Шу мақсадда олинган кўрсатувларни воқеа содир бўлган жойга чиқиб текшириш, тергов экспрементини ўтказиш ва такрор сўроқ қилиш мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, энергетика соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда мазкур турдаги жиноятлар бўйича тезкор қидирув тадбирларини амалга оширган мансабдор шахслар ва соҳага оид махсус билимга эга мутахассисларни сўроқ қилиш ва олинган маълумотларнинг манбалари ва уларнинг асослилигини текшириш муҳим ҳисобланади, бу турдаги жиноятларда бирламчи далил номақбул деб топиладиган бўлса, келгуси тўпланган барча далилларнинг мақбуллиги шубҳа остида қолади.

Шу сабабли, бу турдаги жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатларини амалдаги процессуал қонунчилик талаблари асосида ўтказиш орқали, мақбул даллилар тўплаш, айбдор шахслар доирасини аниқлаш ва жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича самарали натижага эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 8 б.

2. Энергия ресурслари хавфсизлигини таъминлаш, фойдаланиш ва сарфланишига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати. Услубий қўлланма. ю.ф.ф.д. доцент А.Б.Комилов, М.М.Усмонов ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор ўринбосари Ш.А.Аминовнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. 165-бет.

3. Энергия ресурсларини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Услубий қўлланма. С.И.Самадов ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025 б 33-34.

4. Энергия ресурслари хавфсизлигини таъминлаш, фойдаланиш ва сарфланишига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати. Услубий қўлланма. ю.ф.ф.д. доцент А.Б.Комилов, М.М.Усмонов ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор ўринбосари Ш.А.Аминовнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. 165-166-бет.

5. Энергия ресурслари хавфсизлигини таъминлаш, фойдаланиш ва сарфланишига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати. Услубий қўлланма. ю.ф.ф.д. доцент А.Б.Комилов, М.М.Усмонов ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор ўринбосари Ш.А.Аминовнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. 166-бет.

6. Энергия ресурсларини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Услубий қўлланма. С.И.Самадов ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025 б 34-35 б.

7. Энергия ресурсларини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Услубий қўлланма. С.И.Самадов ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025 б 62-63-бет.

8. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>

9. Н.И.Порубов Допрос в советском уголовном процессе и криминалистике.
Минск: Вышэйш. школа, 1968. 368 с

10. О.Я.Баев Тактика следственных действий: учеб. пособие. Воронеж: Изд-во
Воронежского университета 2013. 456 с